

«Olmaliq KMK» A J

**акциядорлари йиллик умумий
йиғилишининг,
2020 йил «10» октябрдаги
8/2020 - сонли Қарори билан**

«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»

**«OLMALIQ KON-METALLURGIYA KOMBINATI»
AKSIYADORLIK JAMIYATI
(«Olmaliq KMK» A J)**

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ
(янги тахрири)**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Қонуни ва «OLMALIQ KON-METALLURGIYA KOMBINATI» Aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда – Жамият) нинг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом Кузатув кенгашининг мақомини аниқлайди, Кузатув кенгашининг ишини, Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) тартибини, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларини мувофиқлаштиради.

1.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.4. Кузатув кенгашининг вазифаси – Жамият ривожланиш стратегиясини ва узоқ муддатли инвестиция сиёсатини ишлаб чиқарилишида раҳбарлик қилиш, Жамият ижроия органи - Бошқарув фаолиятини назорат қилиш.

1.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган Ҳақ тўлаш (рағбатлантириш) тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳақ тўланади.

1.6. Мазкур Низомда «акциядорларнинг умумий йиғилиши» сўз бирикмаси қўлланилганда, Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича бир ўзи қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўладиган битта акциядор - Жамият барча оддий акцияларининг акциядори (кейинги ўринларда – Бош акциядор) назарда тутилади.

2. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

2.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Қонунига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишлари оралиғида акциядорларнинг манфаатларини ифодалайди ва Жамият Уставида назарда тутилган вазифаларни бажаради.

2.2. Жамиятнинг кундалик фаолияти ва фаолиятини тезкор бошқариш масалаларини ҳал қилиш Кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирмайди, Жамият Уставида аниқланган, алоҳида айтиб ўтилган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар кирази:

1) Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш. Жамиятни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришилганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш учун зарурият туғилганда экспертларни жалб қилиш;

2) Жамиятнинг инвестиция ва илмий-техника сиёсатини аниқлаш;

3) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда ва Жамият Уставида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

4) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш, шунингдек, акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ва унга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалаларни қонунчиликка мувофиқ ҳал қилиш;

5) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, қонунчиликда ва Жамият Уставида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

6) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

7) қонунчиликда назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

8) Жамият мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

9) Жамият номидан Жамият Бошқаруви Раиси билан тузиладиган шартномани имзолаш

учун ваколатли шахсларни аниқлаш, чет эллик менежерлар (номзодлар) иштироки қонидасини белгилаш;

10) Жамият Бошқаруви Раиси томонидан ўз вазифаларини узоқ вақт ёки ноаниқ давр мобайнида бажариш имконияти бўлмаган, шунингдек ҳар қандай асосларга кўра, Бошқарув Раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолларда, Жамият Бошқаруви Раиси функциясини бажарувчи Жамиятнинг мансабдор шахсини аниқлаш;

11) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

12) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек, ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

13) Жамият бошқарув органларининг фаолияти тартибини белгиловчи ички ҳужжатларни тасдиқлаш, тасдиқланиши акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган, шунингдек, Жамият Устави ва Кузатув кенгашининг қарори билан Жамият ижроия органи томонидан тасдиқланиши белгиланган ички ҳужжатлар бундан мустасно;

14) Жамият фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бошқарувдан олиш;

15) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини Тафтиш комиссияси томонидан текшириш тўғрисида ташаббус билан чиқиш;

16) Тафтиш комиссиясининг Жамиятда аффилиланган шахслар билан ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосасини, шунингдек, бундай битимларни тузиш бўйича қонун талабларини ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя қилинишини ҳар чоракда кўриб чиқиш;

17) Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом»га мувофиқ, Жамиятнинг Тафтиш комиссиясига тўланадиган ҳақлар бўйича тавсиялар бериш, шунингдек, Жамиятнинг назорат органларига ва бошқарув органи котибларига тўланадиган ҳақларнинг миқдорларини белгилаш;

18) йиллик ҳисоботни, йиллик бухгалтерия ҳисоб-китобини, жумладан фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки тарзда тасдиқлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш. Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилишни таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

19) Жамиятнинг Заҳира фондидан фойдаланиш, шунингдек, Жамиятнинг бошқа фондларининг миқдори, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш;

20) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш (тугатиш) ва ваколатхоналарини очиш (ёпиш);

21) Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

22) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

23) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштирок этиши ва иштирокини тугатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

24) Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битимларни (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг баланс қиймати ёки олинаётган мол-мулкнинг қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиқ, лекин эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорини ташкил этса;

25) Хизмат сафарларига, вакиллик мақсадларига, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувларига тўловларни амалга ошириш, реклама, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, моддий, ҳомийлик, гуманитар ва бошқа ёрдамларни кўрсатиш, хайрия жамғармалари ва бошқа мақсадларга бадал тўлаш учун белгиланган меъёрлардан ортиқ маблағларни ажратиш тартиби билан боғлиқ бўлган ички фойдаланиш ҳужжатлари, услубий низомлар, қўлланмалар, тавсиялар, нормативларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича

Бошқарувга топшириқлар бериш;

26) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳомийлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги қарорларининг (Фармонлар, Қарорлар, Фармойишлар, баённома қарорлари, топшириқлари ва х.к.) ижроси бўйича қарорлар қабул қилиш;

27) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларидаги иштироки билан боғлиқ бўлган беғараз битимларини тузиш тўғрисида (жумладан, ҳайрия, ҳайр-эҳсон қилиш, ҳадя, ҳомийлик ёрдами), аъзолик бадалларини киритиш (бошқа харажатларни амалга ошириш) тўғрисида қарор қабул қилиш, агар бунда, барча тўловларнинг умумий суммаси чорак давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 15 000 бараваридан ортиқ бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳомийлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги қарорларининг (Фармонлар, Қарорлар, Фармойишлар, баённома қарорлари, топшириқлари ва х.к.) ижроси бўйича қарорлар қабул қилиш ҳоллари бундан мустасно. Бу тўғридаги ахборотни барча акциядорларга ошкор қилиш;

28) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида, шунингдек, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

29) Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақнинг миқдорларини «Ҳақ тўлаш (рағбатлантириш) тўғрисида»ги низомга мувофиқ белгилаш;

30) Жамият Кузатув кенгаши котибини тайинлаш;

31) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

32) Тегишли масалалар бўйича Кузатув кенгаши ҳузурида қўмиталар (ишчи гуруҳлар) ташкил қилиш;

33) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва уни қонунчилик талабларига мувофиқлигини мунтазам равишда баҳолаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

34) Жамиятдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш тўғрисида, баҳолашни ўтказиш учун танлов асосида мустақил ташкилотни ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

2.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, қуйидагилар Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилиши мумкин:

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият Уставига Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини тайинлаш, раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонунчилик ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

2.5. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида ва Жамият Уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

24-бандостида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгаши таркибидан чиқиб кетган аъзолар овози ҳисобга олинмайди.

2.6. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув

кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда, Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

3. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ

3.1. Жамият Кузатув кенгашига номзодлар киритиш ва Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

3.2. Кузатув кенгашининг аъзолари **9** кишидан иборат бўлиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан **бир** йил муддатга сайланади.

3.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланишлари мумкин. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши исталган аъзосининг (барча аъзосининг) ваколати муддатидан аввал тугатилиши мумкин.

3.4. Қуйидаги шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари мумкин эмас:

- Жамиятнинг Бошқаруви ва Тафтиш комиссияси таркибига кирувчи;
- ўз мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ёки Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси мақомига тўғри келмайдиган фаолиятга алоқадор бўлган;
- Жамиятда ўз ёлланма меҳнат фаолиятини ўриндошлик тарзида олиб борувчи шахслар.

3.5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига камида битта мустақил аъзо сайланиши лозим.

3.6. Кузатув кенгашининг мустақил аъзосига қуйидаги талаблар қўйилади:

сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларида ишламаган шахс;

жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш ҳақининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзосига номзодларни киритиш ва сайлаш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши мустақил аъзоси таркибига сайланган шахс (лар) чекланмаган тарзда қайта сайланиш(лар)и мумкин. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси(лар)ининг (барча аъзоларининг) ваколати муддатидан аввал тугатилиши мумкин.

3.7. Кузатув кенгашига сайланган аъзо томонидан Жамиятнинг устави қўпол тарзда бузилса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, уларнинг ваколатини муддатидан аввал тугатиш акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

3.8. Кузатув кенгаши аъзоларини муддатидан аввал қайта (янгидан) сайлаш ёки кенгаш таркибига етмаётган аъзоларни сайлашда, Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб

камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгашига номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги таклифлар Жамиятнинг фаолият юритаётган Кузатув кенгашига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишидан 7 (етти) кундан кечиктирмай киритилади. Бунда, таклифда, номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Жамият акциядори бўлса), шунингдек, номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

3.9. Кузатув кенгашининг Раиси Кузатув кенгашига номзод қилиб кўрсатилаётган номзодлар тўғрисидаги барча маълумотларни йиғиб уларни овоз бериш бюллетенга киритиши шарт.

Акциядорлар томонидан Кузатув кенгашини ташкил этиш учун номзодлар кўрсатилмаган ёки номзодларнинг миқдори кам кўрсатилган ҳолда, Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки Бош акциядори ўз хоҳишига кўра номзодлар рўйхатини шакллантириш ёки тўлдириш ҳуқуқига эга.

3.10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади, бунда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

3.11. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

4. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА НИСБАТАН ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

4.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси:

4.1.1. Олий маълумотга эга бўлиши;

4.1.2. Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан берилган корпоратив бошқарувчи малака аттестатига ёки сертификатга эга бўлиши (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари);

4.1.3. Қуйидаги соҳаларда билимга ва (ёки) етарли тажрибага эга бўлиши:

- стратегик ва антикризис бошқарув;
- корпоратив молия, хавф-менежмент;
- корпоратив ҳуқуқ ва бошқарув.

4.1.4. Тегишли қонунлар, фармонлар, қарорлар, фармойишлар ва давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини билиши лозим.

4.1.5. Корпоратив ахлоқнинг белгиланган маънавий-этниқ стандартларига риоя қилиши ва уни қўллаши.

4.1.6. Ташкилотчилик қобилиятига ва бошқарув органларида амалий иш тажрибасига эга бўлиши ёки бошқа раҳбарлик соҳасида маъмурий-бошқарув функцияларини бажариши.

Амалий иш тажрибаси қуйидаги лавозимлардаги иш стажи билан аниқланади:

- Бош директор (директорлар), бош директор ўринбосари (директорлар), коллегиял ижроия органи аъзоси;

- Бошқарув органи раҳбари ёки раҳбар ўринбосари;
- Бир йилдан кам бўлмаган даврда бошқарув органининг таркибий бўлинмаси раҳбари;
- Уч йилдан кам бўлмаган даврда тижорат ёки илмий ташкилотнинг раҳбари.

4.2. Кузатув кенгашининг аъзоси қуйидагиларни билиши шарт:

- ўз ишини натижа берадиган тарзда режалаштириш ва ташкил қилиш;
- биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганни жой-жойига қўйиш ва муҳим масалаларда эътиборли бўлиш;
- ўз мустақил фикрини баён қилиш ва уни ҳимоя қилиш;
- тижорат истиқболлари ва хатарларини баҳолай олиш;

- унумли ва конструктив мунозара олиб бориш;
- қатнашаётган барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва асосланган қарорлар қабул қилиш;
- ўз вазифасини самарали бажариш учун профессионал билим ва малакани қўллаш.

4.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар Жамият устави ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарор билан белгиланиши мумкин.

5. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ВА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

5.1. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади (қайта сайланади).

5.2. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

5.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

5.4. Жамият номидан Кузатув кенгашининг Раиси Жамият ижроия органининг раҳбари Бошқарув Раиси билан шартномани имзолайди.

6. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

6.1. Кузатув кенгаши мажлиси, зарурият туғилган ҳолларда, йил чорагида камида бир марта ўтказилади.

Молия йили тугаганидан сўнг исталган пайтда, лекин акциядорларнинг умумий йиғилишигача **10** кундан кечиктирмай, Жамиятнинг йиллик баланси лойиҳасини, фойда ва зарарлар ҳисобварағини ва аудитор ҳисоботини кўриб чиқиш мақсадида ўтказиладиган йил якуни бўйича мажлис мажбурий ҳисобланади. Мажлисларда Жамият Бошқаруви мансабдор шахсларининг Жамият фаолиятининг ҳисобот даврдаги тўлиқ ҳисоботи ёки Жамиятдаги жорий аҳвол тўғрисидаги ахборотлари эшитилади.

Бундан ташқари, Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Кузатув кенгаши раисининг ўз ташаббуси билан, Кузатув кенгаши аъзоси, тафтиш комиссияси аъзоси, Жамиятнинг ижроия органи аъзоси, Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор), шунингдек, асосланган сабаблар мавжуд бўлган тақдирда, Жамият Уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси ҳам юзма-юз (Кузатув кенгаши аъзоларининг биргаликда иштирок этиш йўли билан) шаклда, ҳам сиртқи шаклда (сўров йўли билан) ўтказилиши мумкин. Кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказилган тақдирда, қарорлар Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

6.2. Кузатув кенгашининг йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ёзма шаклдаги хабар унинг ҳар бир аъзосига юборилади. Хабарда йиғилиш кун тартиби, уни ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади. Хабарга, дастлабки тарзда танишиб чиқиш учун, кун тартиби билан боғлиқ бўлган барча зарур ҳужжатлар илова қилинади. Кун тартибига киритилмаган масалалар мажлисда кўриб чиқилмайди.

6.3. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгашига сайланган аъзолари умумий сонининг 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

6.4. Кузатув кенгаши аъзолари ушбу Низомнинг 6.5-бандида назарда тутилган асосларга кўра чиқиб кетиб, уларнинг сони 7 кишидан кам бўлиб қолган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги аъзоларини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилади. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек,

Жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

6.5. Жамиятнинг Уставига ва/ёки қонунчиликка асосан Кузатув кенгашининг қарорлари Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши белгиланган ҳолларда, қуйидаги асосларга кўра чиқиб кетган Кузатув кенгаши аъзоларининг овози ҳисобга олинмайди:

- вафот этган, бедарак йўқолган ва мулоқотга нолойиқ деб топилган;
- соғлиғи туфайли, манфаатлар келишмовчилиги рўй берганда, шунингдек бошқа ҳолатларда ўз ихтиёри билан ёзма равишдаги аризасига кўра, Кузатув кенгаши аъзоси ваколатларини ўзидан соқит қилиб чиқиб кетаётган шахслар. Бунда чиқиб кетиш куни Жамиятга тегишли аризининг келиб тушган куни ҳисобланади;
- ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг қарорлари қонуний кучга кириши муносабати билан Кузатув кенгаши аъзоси ваколоти тугатилган ёки тўхтатилган шахслар;
- ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа сабабларга кўра, ўз мажбуриятини бажариш имконияти бўлмаган шахслар.

6.6. Зарурият туғилганда, Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши барча аъзоларининг розилигига кўра қолдирилиши (бошқа янги муддатга кўчирилиши) мумкин. Мазкур қарор баённома билан расмийлаштирилади.

6.7. Асосланган ва самарали қарорлар қабул қилишни таъминлаш мақсадида Жамият Кузатув кенгашининг Раиси тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича вақтинчалик ва доимий кўмиталар (ишчи гуруҳлар) ташкил қилиш ташаббуси билан чиқиши мумкин. Кўмиталарнинг (ишчи гуруҳларнинг) асосий функцияси бўлиб уларнинг фаолият йўналишига (Кузатув кенгашининг ваколоти доирасида) тегишли бўлган масалаларни дастлабки тарзда ҳар томонлама ўрганиш ва уларни кўриб чиқиш яқуни бўйича Жамиятнинг Кузатув кенгашига тақдим қилиш учун ҳулоса тайёрлаш ҳисобланади.

Кўмиталар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб қилинган экспертлардан (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа Олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва бошқалардан) ташкил топади. Кўмиталарнинг фаолият кўрсатиш тартиби ва ваколатлари Жамият Кузатув кенгашининг уларни ташкил қилиш тўғрисидаги қарори билан белгиланади. Кўмиталар ва ишчи гуруҳлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, Жамиятнинг устави ва ички низомларига, шунингдек Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ фаолият юритади.

6.8. Жамият Кузатув кенгаши мажлисларида баённома юритилади. Кузатув кенгашининг баённомалари Кузатув кенгашининг котиби томонидан олиб борилади.

6.9. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси йиғилиш ўтказилгандан сўнг ўн кундан кечиктирилмай тузилади.

6.10. Жамият Кузатув кенгаши мажлиси баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

7. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВА УНИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Кузатув кенгаши қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ишларнинг ҳозирги аҳволи тўғрисидаги барча молиявий ва ишлаб-чиқариш ахборотларини, шунингдек, ихтиёрий давр учун Жамиятнинг ишлаб чиқариш-ҳўжалик ва тижорат фаолиятининг асосий натижалари, унинг ривожлантириш режалари тўғрисидаги барча ахборотларни олиш;

- ўз ташаббусига кўра, шунингдек, оддий акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида 1% га эгалик қилувчи акциядорларнинг ташаббусига кўра, Жамиятнинг молиявий-иқтисодий ва ишлаб-чиқариш фаолиятини навбатдаги ва навбатдан ташқари тафтиш қилишни ташкил қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган ҳолларда ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, келгусида акциядорларнинг умумий

йиғилишига тасдиқлаш учун киритиш шарти билан Жамият Бошқаруви Раиси лавозимларидан четлатиш (озод этилиши) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамият Бошқаруви фаолиятини текшириш вазифасини ўзининг бирор бир аъзосининг зиммасига юклатиш, шунингдек, алоҳида масалаларни текшириш ва аниқлаш учун шартнома асосида аудиторлик фирмаси, баҳолаш ташкилоти ва бошқа мутахассисларни жалб қилиш.

7.2. Кузатув кенгашининг аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

- акциядорларнинг умумий йиғилишида қарор қабул қилишда акциядорнинг ишончли вакили бўлиш;

- Кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалаларни ҳал қилиш бўйича ишларни бошқариш;

- Кузатув кенгашида маълум функцияларни бажариб ишлаганлик учун ҳақ олиш;

- чекланмаган миқдорда Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига ўз-ўзини номзод қилиб кўрсатиш ва сайланиш.

7.3. Кузатув кенгаши Жамият Бошқарувининг фаолияти қонун ҳужжатлари доирасида ва Жамият Уставига ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларига мувофиқ амалга оширилиши устидан назоратни амалга ошириши шарт.

7.4. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиллик йиғилиши муҳокамасига Жамият, Бошқаруви фаолиятига баҳо бериладиган, шунингдек, Жамият фаолиятини яхшилаш тўғрисидаги таклифлар баён қилинган маърузани тақдим қилишга мажбур.

7.5. Кузатув кенгашининг аъзоси ёзма равишда Жамиятни қуйидагилар ҳақида хабардор қилиши шарт:

- ўзи мустақил равишда ёки аффилиланган шахси (шахслари) билан биргаликда 20 ёки ундан ортиқ фоиз овоз берувчи акцияларига (улушларига, пайларига) эгалик қиладиган юридик шахслари тўғрисида;

- бошқарув органларида ўзи лавозим эгаллаб турган юридик шахслари тўғрисида;

- ўзларига маълум бўлган улар манфаатдор шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлган тузилаётган ёки тузилиши кутилаётган битимлар тўғрисида;

- қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажм ва муддатларда бошқа маълумотлар тўғрисида.

7.6. Кузатув кенгашининг аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга эмас:

- Жамият билан рақобатлашадиган корхоналарни ўзи ташкил қилиши ёки уларда иштирок этиши, Кузатув кенгашининг манфаатдор бўлмаган кўпчилик аъзолари ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг кўпчилик қисмига эгалик қилувчи акциядорлар томонидан рухсат берилган ҳоллар бундан мустасно;

- Жамият имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш.

7.7. Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда Жамият манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилишлари лозим, ўз вазифаларини ваколатлари доирасида ҳалол, шунингдек, Жамият манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга, Жамиятнинг тижорат сирини ошкор қилмасликка мажбурдирлар.

8. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Жамият олдида қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига мувофиқ ваколатлари доирасида ўз вазифаларини оқилона бажаришлари ёки бажармасликлари натижасида Жамиятга етказилган зарар учун Бошқарув билан тенгма-тенг жавобгардирлар.

8.2. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки Жамиятга зарар етказувчи қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

8.3. Мазкур Низомнинг 7-бўлимида ва/ёки Жамиятнинг Уставида назарда тутилган

мажбуриятларни бузган Кузатув кенгашининг аъзолари, Жамиятга етказилган зарарни қоплашда тўлиқ хажмда жавобгар бўладилар. Моддий зарарни қоплаш хажми томонларнинг келишувига мувофиқ ёки суд тартибида белгиланади.

8.4. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув директори ёки аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи қуйидагилар натижасида жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

- чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

- Қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

- жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик»;

8.5. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби уни тасдиқлаш тартиби билан бир хил тартибда амалга оширилади.

**Приложение №1
к Положению о Наблюдательном совете
АО «Алмалыкский ГМК»**

**Уведомление о проведении заседания
Наблюдательного совета АО «Алмалыкский ГМК»**

Уважаемый _____!
(Ф.И.О.)

Настоящим сообщаем, что состоится заседание
Наблюдательного совета АО «Алмалыкский ГМК».

1. Дата и время проведения -

2. Место проведения -

3. Повестка дня -

Примечание: К уведомлению прилагаются следующие материалы:

1. _____ - на _____
листах;

(наименование материалов)

2. _____ - на _____

**«OlmaliqKMK»AJ
Кузатув кенгаши тўғрисидаги
Низомига 1-илова**

**«Olmaliq KMK» AJ
Кузатув кенгашини ўтказиш тўғрисида
хабарнома**

Хурматли _____!
(Ф.И.Ш.)

«Olmaliq KMK» AJ Кузатув кенгашининг мажлиси

1. Ўтказиш санаси ва вақти -

2. Ўтказиш жойи

_____ да

ўтказилишини маълум қиламиз.

3. Кун тартиби

Изох: Хабарномага қуйидаги материаллар илова қилинади:

1. _____ - _____ та варақда,
(материалнинг номи)

2. _____ - _____ та варақда,
(материалнинг номи)

3. _____ - _____ та варақда,
(материалнинг номи)

<p>листах; (наименование материалов)</p> <p>3. _____ - на _____ листах; (наименование материалов)</p> <p>4. _____ - на _____ листах; (наименование материалов)</p> <p>5. _____ - на _____ листах; (наименование материалов)</p> <p>6. _____ - на _____ листах. (наименование материалов)</p> <p>Председатель/секретарь Наблюдательного совета АО «Алмалыкский ГМК» _____ _____ (подпись) (Ф.И.О.)</p>	<p>4. _____ - _____ та варақда, (материалнинг номи)</p> <p>5. _____ - _____ та варақда, (материалнинг номи)</p> <p>6. _____ - _____ та варақда, (материалнинг номи)</p> <p>«Olmaliq КМК» АЖ Кузатув кенгашининг Раиси/котиби _____</p> <p>_____ (Ф.И.Ш.)</p> <p>_____ (имзо)</p>
---	--